

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 5 сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Б.Уринов

#### **ТА ХРИРХАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. У.Розиқов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов.

**Кимё фанлари-** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари-** акад. К.Тожибоев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. А.Баташов.

**Техника фанлари-** т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари** – акад. Н.Каримов, акад. Т.Мирзаев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Х.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев.

**География фанлари** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари-** п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., проф., Л.Мулмина, п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев.

**Тиббиёт фанлари** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррир:** [Н.Юсупов](#),

**Тахририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e- mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади. НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 05.11.2020 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўпلام сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 3). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

7. Хайруллин А.Р. Развитие художественно-творческих способностей будущих учителей изобразительного искусства в процессе изучения курса компьютерной графики: Автореф. дис. канд. пед. наук: 13.00.08. – Уфа., 2010. – 23 с.

**ТАЪЛИМНИ ФАОЛЛАШТИРУВЧИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАСИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ДИДАКТИК  
МАТЕРИАЛЛАРДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ.**

Мамурова Дилфуза Исломовна, БухДУ, ўқитувчи

*Аннотация.* Ушбу мақолада таълимда назарияни ўқув амалиёти билан боғлаш заруриятини ва таълим технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш замонавий педагогик технологияларни аниқлаб берадиган қатор ҳолатлари ҳақида сўз юритилган.

*Калит сўзлар:* Педагогик технологиялар, касбий маҳорати, таълим, замонавий, мультимедиа, интернет, масофавий ўқитиш, ўқув жараёни.

**ОСНОВНЫЕ ЗНАЧЕНИЕ ДИДАКТИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ  
ОБСУЖДЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ С  
ПОМОЩЬЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

Мамурова Дилфуза Исломовна, БухГУ, преподаватель

*Аннотация.* В данной статье обсуждается необходимость увязывания теории с педагогической практикой и ряд случаев, когда изучение теоретических основ образовательных технологий раскрывает современные педагогические технологии.

*Ключевые слова:* педагогические технологии, профессиональные навыки, образование, современность, мультимедиа, интернет, дистанционное обучение, учебный процесс.

**KEY VALUE OF DIDACTIC MATERIALS FOR DISCUSSING EFFICIENCY  
EDUCATION USE BY INFORMATION TECHNOLOGIES**

Mamurova Dिल्фуза Islomovna, BukhSU, teacher

*Annotation.* This article discusses the need to link theory with pedagogical practice and a number of cases where the study of the theoretical foundations of educational technologies reveals modern pedagogical technologies.

*Key words:* pedagogical technologies, professional skills, education, modernity, multimedia, Internet, distance learning, educational process.

Ҳозирги кундаги илмий-техникавий тараққиёт нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоқларига, балки маданий, ижтимоий-гуманитар билимлар, таълим соҳасига ҳам замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу маънода мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти,

иқтисодиёти, илм-фани, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим-тарбия тизимини, шунингдек, замонавий педагогик технологияларнинг назарий ва методик асосларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурияти таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш вазифасидан келиб чиқади.

Педагогик технологиялар рақобатбардош кадрлар тайёрловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда педагог-ўқитувчига қўйиладиган замон талаблари, педагог ўқитувчининг касбий маҳорати, талабаларнинг онги, билими, дунёқарашини ўстириш, фаолликларини ошириш орқали таълим самарадорлигига эришиш билан боғлиқ масалалар мажмуини ифодалайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг бу мажмуи педагог-ўқитувчининг умумлаштирилган моделини ва унга асосан, қуйидаги асосий талабларни ифодалайди:

- таълим бериш маҳорати;
  - тарбиялай олиш маҳорати;
    - таълим оловчиларнинг билимларини холисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.
- Демак, педагог-ўқитувчи ўз олдига қўйилган масъулиятли ва долзарб вазифаларни бажариш ҳамда таълим-тарбия жараёнига бўлган янгича қарашларни шакллантириш учун қуйидаги хислатларга эга бўлиши керак
- замонавий илмий, маданий ва технологик тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушуна билиши;
  - дунё ва инсон ҳақидаги билимлар тизимини чуқур ва кенг нуқтаи назардан англаши;
  - компьютерли таълим ва ўқитишнинг бошқа техник воситаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиши;
  - интернет тармоғи тўғрисида тушунчага эга бўлиши ва ундаги ахборотли технология мазмунини теран таҳлил қила билиши;
  - педагогик меҳнатнинг самарадорлигини таҳлил этиш усуларини билиши;
  - умуминсоний ҳамда миллий маданият ва қадриятлар, миллий гоя ва миллий мафкура ҳамда иқтисодий, маънавий - маърифий ислохотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етиши;
  - педагогик технологиялар моҳияти ва тамойиллари ҳамда унинг анъанавий ўқитиш жараёнидаги афзалликларини билиши, шахс манфаати ва таълим устуворлигини таъминлаш учун педагогик инновацияларни қўлай олиши;
    - талабаларга ўз фани бўйича таълим беришда педагогик технологияларни қўлай олиши, ўқув жараёнини фаоллаштириш ҳамда ўқув материалларини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва талабаларни мустақил фикрлашга ва ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиши;
      - ўз фанининг моҳир устаси ва фидойи бўлишига эришиши;
      - талабаларнинг баркамол инсон бўлиши учун уларга ўзининг изланишлари, ижодкорлиги ҳамда бетиним меҳнатлари орқали таълим-тарбия бериши ва ҳоказо.

Назарияни ўқув амалиёти билан боғлаш заруриятини ва таълим технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш замонавий педагогик технологияларни аниқлаб берадиган қатор ҳолатларни белгилашга имкон берди. Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологияси ва техник воситалардан фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланиш замонавий педагогик технологияларнинг энг асосий белгиларидан биридир.[1]

*Замонавий (новъанавий) таълимнинг афзалликлари:*

11. ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
12. ўз вақтида қайтар алоқаларнинг таъминланиши;
13. тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши;
14. ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши;
15. мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
16. ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши;
17. мулоқотта киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
18. ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши;
19. ўқувчиларнинг фанга оид мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати;
20. мустақил фикрлай оладиган ўқувчининг шаклланишига ёрдам бериши;
21. нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантикий фикрлашни ҳам ривожлантириши;
22. муаммолар ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

Масофавий ўқитиш технологияси тушунчаси стандартлаштирилмаган. Энг кўп тарқалган таъриф қуйидагича: масофавий ўқитиш технологияси бу таълимни белгиланган мазмунини нусхалаб амалга оширишга йўналтирилган усуллар тизими, махсус воситаларнинг, ўқитиш шаклларининг мажмуасидир.

Масофавий ўқитиш технологияси педагогик технологияларнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиниши мумкин. «Педагогик технология» тушунчаси стандартлаштирилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, кўпинча ЮНЕСКО қабул қилган тушунча ишлатилади.

Педагогик технология тушунчасига берилган ЮНЕСКО таърифига кўра масофавий ўқитишга қуйидаги таърифни шакллантириш мумкин: масофавий ўқитиш технологияси – бу инсон ва техник ресурсларини, уларнинг ўзаро алоқасини, ҳисобга олган ҳолда, таълим хизматининг бутун жараёнини яратиш, қўллаш ва оммабоплаштириш тизимли ёндашуви бўлиб, билвосита индивидуаллашган таълим тизимида ўқитиш шаклларини мақбуллаштиришни ўзига вазифа қилиб кўяди.

Масофавий ўқитиш технологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

24. таълим ахборотларини тақдим этиш технологияси;
0. таълим ахборотларини узатиш технологияси;
1. таълим ахборотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси.

*Таълим ахбороти:* муайян фаолият тури, ихтисосини амалга оширишда қўллаши учун, таълим олувчига бериш керак бўлган билимлардир. Масофавий

ўқитиш тизимида янги электрон китобларга алоҳида талаблар қўйилади. Электрон китоблардаги таълимий ахборот тингловчининг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланиши керак, чунки у бу ахборотни компьютер экрани орқали қабул қилади.

Электрон дарслик куйидаги махсус талабларга жавоб бериши керак:

- тушунчалар бериладиган матн қисмининг ривожланган, гипертекст тузилиши (тушунчалар, таърифлар, теоремалар), ва баённинг мантикий тузилиши (қисмларнинг кетма кетлиги, боғлиқлиги);
- таълим олишда қулай янгилик тизимига эга бўлиши, тингловчи курснинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтиши, ўқитувчига электрон хабарлар юбориши, мунозаралар бўлимига ўтиши;
- замонавий компьютерларнинг мультимедиа ва Интернет имкониятларидан фойдаланиш;
- дарсликда билимлар назорати тизимининг ишлаб туриши;
- глоссарий мавжудлиги (автоном қўшимча маълумотлар) ва уларга таяниш. Глоссарийлар курслар учун алоҳида, бир неча курс учун алоҳида модуллар учун ишлаб чиқарилади;
- дарсликларда тасвирий манбалар, электрон кутубхоналар ва Интернетдаги манбаларнинг кўрсатилиши;
- қулайлиги- тизимга тез кириш;
- ўқитувчи билан самарали алоқада бўлиш (электрон почта, ...) аниқ вақт бирлигида Интернет орқали гапира олиш;

Таълим ахборотлари таълим технологиялари орқали узатилади.

Таълим технологияси – бу таълим ахборотларини манбадан истеъмолчига узатишда қўлланиладиган дидактик услублар мажмуасидир. Масофавий ўқитиш тизимида тасвирий фикрлашни фаоллаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак, яъни ўқитувчи фикрини тасвирий образлар кўринишида тақдим этиши керак. Масофавий ўқитиш тизими таълим технологияларида фикр, ахборот, билимни визуаллаштириш, катта аҳамиятга эга.

Масофавий ўқитиш тизимида куйидаги таълим технологияларини ишлатиш мумкин:

- видео-маърузалар; мультимедиа-маърузалар ва лаборатория амалиётлари; электрон ва мультимедиа-дарсликлари; компьютер тест тизимлар; имитация моделлари ва компьютер тренажёрлар; телекоммуникация воситаларидан фойдаланувчи маслахатлар ва тестлар; видеоконференциялар.

Ахборотларни сақлаш, қайта ишлатиш, тингловчига етказиш, ўқитувчи ва тингловчи ўртасидаги интерфаол мулоқот, ҳисоблаш техникани қўллашга таянган аппарат-дастурлар воситасида амалга оширилади. Булар – ахборот технологияларидир.

Масофавий ўқитиш тизим технологиялари педагогик технологиялар асосида ишланган бўлиб, куйидаги қўшимча талабларга жавоб бериши керак:

Адаптация – таълим жараёнини ўқувчи шахсига, турар жойи шароити, молиявий шароити, психологик ва физиологик хусусиятларига мослаштириш. Бу

тингловчининг якка ҳолда, компьютер ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда таълим олиш жараёнида жуда муҳимдир.

Иқтисодий мувофиқлик – бу талабга риоя этиш таълим тизимининг молиялаш маблағлари чегараланганлигидан келиб чиқади.

Ўзгарувчанлик – таълим сифати ва мазмунини тезкор ва узлуксиз янгилан бориш, ўқув материалларини модернизациясини амалга оширишга имконият таъминлаб бериш. Ушбу зарурият илмий-техник тараққиёт жадаллашуви талабларига кўра пайдо бўлади.

Назорат – ўқитишнинг барча босқичларида натижаларни сифатли назорат қилиш, тингловчи шахсини аниқлаш.

Компьютерлаштирилган ўқитиш технологияси – бу компьютердан фойдаланишга асосланган ўқитишдир. Ўқитишнинг компьютер технологияси янги ахборот технологияларнинг бир туридир. Ахборот технологияларда бундан ташқари бошқа ахборот воситалари (телевидение, видео ва бошқалар) ишлатилиши мумкин. Компьютер технологиялари дастурлаштирилган ўқитиш ғояларини ривожлантиради, замонавий компьютерлар ва телекоммуникацияларнинг йирик имкониятлари билан боғлиқ бўлган ўқитишнинг мутлақо янги ҳали тадқиқ қилинмаган технологик вариантларини очиб беради. Телекоммуникацион тизимлар, шу жумладан компьютерлар ҳозирги замон илмий-техник тараққиётнинг маҳсули ҳисобланади. Илмий-техник тараққиёт илмий-техник ахборотнинг шиддатли ўсиши билан белгиланади. Таҳсил олувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олиб, имкони борича энг кўп ҳажмида ахборотни ўзлаштириш, фақат компьютерлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Яъни ўқитишнинг компьютер технологияси асосида ўқув жараёнини жадаллаштириш ва самарадорлигини максимал даражада оширишга эришиш мумкин.

Ўқитишнинг компьютер технологияси, компьютернинг инсон индивидуал қобилиятларига мослигига таянади. Ўқитиш жараёнини мақбул даражада тезкор бошқариш имконияти мавжудлиги, бу ўқитиш турининг универсал мулоқоти кўринишида эканлиги, психологик қулайликлари, ахборот ҳажмида ўзлаштирилиши чекланмаганлиги билан ажралиб туради.

Компьютерли ўқитиш технологияси мазмун жиҳатдан компьютер хотирасига киритилган педагогик дастурий воситалар билан фарқланади. Дастурий воситалар мавзу, бўлим ёки бутун ўқув фани бўйича тузилиши мумкин ва у ўқув материали ўзлаштирилиши диагностикаси баҳолашни ва мониторингини ҳам ўз ичига олади. Компьютерли ўқитиш технологиясининг самарадорлиги дастурий воситаларнинг ишлаб чиқилиш даражаси билан бир қаторда ўқув жараёнини ва ишчи ўринларини тўғри ташкил этилганига боғлиқ бўлади.

Компьютерли ўқитиш технологиясида қуйидагилар зарур ҳисобланади: индивидуал ўқитиш; мунтазам равишда компьютер ёрдамида ташхис тестлар ўтказиш; ўқув мақсадларига эришилганлигини баҳолаш.

Компьютерли ўқитиш технологиясида, ўқитиш циклининг қайта такрорланиши учун энг мақбул шароит яратилади.

Бу ўқитиш технологиясида педагогнинг функцияси қуйидагилардан иборат бўлади: дастурий воситаларни тайёрлаш; ўқув жараёнининг (ўқув жараёни графиги, ташхислаш, назорат) гуруҳ, ўқув фан микёсида ташкил этиш; ишчи ўринларини ташкил этиш, йўл-йўриқлар бериш, тармоқни бошқариш; таҳсил олувчилар билан мулоқотда бўлиш, индивидуал ўқитишни таъминлаш.

#### **Адабиётлар:**

- Ж.Йўлдошев, С.Ҳасанов. Педагогик технологиялар, ўқув қўлланма, Тошкент «Иқтисод-молия», 2009.
- [library.ziyounet.uz/uz](http://library.ziyounet.uz/uz)

#### **ОСНОВНЫЕ ПРИЧИНЫ ОТКЛОНЯЮЩЕГО ПОВЕДЕНИЯ В МЛАДШЕМ ШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ.**

**Т. Б. Норимбетов** канд. психол. наук. доц. каф.

**«Социально – гуманитарных дисциплин»**

**Алмалыкского филиала ТГТУ им. И.А.Каримова.**

**Н.Т.Норимбетова** методист начального образования

**ОНО.Бектемирского р-на г,Ташкента.**

***Annotation:**The pupils whose behavior does not correspond to moral and ethical requirement in the process of teaching and upbringing. It makes difficult for teachers to fulfill successfully the process of teaching and upbringing. The main reasons of declinatory behavior are studied not only in education but also in weaknesses of parents↗ upbringing. Different problems in parents↗ relations to their children are considered. The infringement of family relationship influences to personal development. The results of investigation can help parents to bring up their children and to relate with them effectively.*

***Аннотация:** В школьном обучении иногда встречается дети, у которых поведение не соответствует моральному и этическим требованиям процессе обучение и воспитание. Они затрудняет педагогам успешном осуществление процесс обучение и воспитание. В определение основных причин отклоняющего поведение весьма актуально изучение педагогических просчетов обучение и воспитание и допущенное ошибки семейного воспитание. В изучение отношение родителей к ребенку, исследователи имеют дело с довольно широким кругом явлений. Нарушение внутрисемейных отношений патогенно влияет на развитие личности ребенка. Результаты исследовании могут помочь родителям лучше и эффективно использовать семейную воспитательную ситуацию воспитание и взаимоотношении с ребенком.*

***Аннотация:** Мактаб таълимида таълим ва тарбия жараёнида айирим болалар учрайдики уларнинг хулқи жамият талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бундай ўқувчилар ўқитувчиларга таълим ва тарбия жараёнини мувофаққиятли амалга оширишда ҳалақит беради. Хулқи огир болаларнинг шаклланиш сабабларини аниқлашда таълим ва тарбиядаги камчиликлардан ташқари оила тарбиясидаги камчиликларни ўрганиш ҳам*



95	Таълимни фаоллаштирувчи ахборот технологиясидан фойдаланиш самарасини белгилайдиган дидактик материаллардан кенг фойдаланишнинг асосий белгилари. Мамурова Д. И.....	455
96	Основные причины отклоняющего поведения в младшем школьном возрасте. Норимбетов Т. Б., Норимбетова Н.Т.....	460
97	Аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш – бугунги кун талаби Талапова Н. Б.....	466
98	Ingliz tili darslari samaradorligini oshirishda multimediyali elektron darsliklardan foydalanish: elektron darslik tushunchasi, ularning tasnifi, ta’lim samaradorligini oshirishda tutgan o’rni Valiyeva Sh. A.....	470
99	Peculiarities and style of Uzbek schools of pottery Suyarov N. T.....	474
100	Matematika fanining o’ziga xos xususiyatlartini o’rganishda boshlang’ich sinf o’quvchilariga ta’lim-tarbiya berish jarayonidagi o’rni. A’zamova V.M., Dedaxanova G.X.....	478
101	Ўзбекистон Республикасида телетибиёт тизимини ривожлантиришда телекоммуникация тизимларига талаблар Жўраев Н.М., Тургунов Б. А., Орифжонов Д. В.....	483
102	Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва шеърятини интерфаол усуллар орқали ўрганиш Сайдахмедова Н. С.....	489
103	Genderning ingliz tilini chet til sifatida o’rganish jarayonida erishilgan yutuqlarga ta’siri Hamdamova S.O.....	493
104	Таълим ислохотлари: ўзаро боғлиқлик, изчиллик – тараққиёт омили. (ёхуд мактабгача таълим хусусида) Файзуллаев Т., Хужамбердиева Ш. ....	496
105	Эркин Воҳидов асарларида ватан мадҳи. Хужамбердиева Ш. ....	498
106	Ўзбекистонни инновацион ривожланишининг назарий-амалий асослари Қодиров Б.С. ....	505
107	Кредит-модул тизими: имкониятлари ва афзалликлари Ходжаев Б.Х. ....	511
108	Нофилолог таълим йўналиши талабаларида толерантлик тушунчаларини шакллантириш методологияси Якуббаев М.М. ....	521